O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2009 йил 3 октябрь, № 193 (4856) Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УММОН СУЛТОНЛИГИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Уммон Султони Қобус бин Саиднинг таклифига биноан шу йил 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Уммон ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2010 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 13 февралда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2009 йил учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини рўёбга чиқариш, шунингдек, нафақат инқироз оқибатларини юмшатишга, балки кўпроқ даражада модернизациялашган, диверсификациялашган ва рақобатбардошли иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаётганлиги қайд этилди. Бу эса, ўз навбатида, Давлат бюджетининг даромад қисмига тушумлар прогнозини муваффақиятли ижро этишга ҳамда бюджет харажатларининг ўз вақтида молиялаштирилишига кўмак бераётганлиги таъкидланди.

Мажлис давомида Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, қурилиш-монтаж ишлари ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишни назарда тутадиган 2010 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлари кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

Мажлисда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ иқтисодиёт субъектларига солиқ юкини янада камайтириш ва ялпи ички маҳсулотда ундирилган солиқлар улушини қисқартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантириш, аҳолининг даромадларини кўпайтириш ва харид қилиш қобилиятини ошириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва мукаммаллаштириш чора-тадбирларини назарда тутадиган 2010 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси кўриб чиқилди.

Хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини янада камайтириш мақсадида фойда солиғининг асосий ставкасини пасайтириш, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаларини бир хиллаштириш ва пасайтириш, шунингдек, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдасидан улар томонидан ҳомийлик ёрдами ва эҳсон сифатида йўналтириладиган маблағларни чегиришнинг энг юқори миқдорини ошириш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини бир хиллаштириш таклиф этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошираётган корхоналар учун фойда солиғи бўйича амалдаги имтиёзларни бир хиллаштириш таклиф этилиб, бунда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, шу жумладан, янги қурилиш шаклида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириладиган маблағлар суммасига солиқ солинадиган фойдани камайтириш ҳуқуқи амал қиладиган муддатни узайтириш назарда тутилмоқда.

Аҳолининг даромадларига солиқ юкини камайтириш ва харид қилиш қобилиятини ошириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасини пасайтириш, солиқ солинадиган даромадларни олий ўқув юртларида ўқиш учун тўланадиган маблағлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки филиалларидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий ўтказиладиган маблағлар суммасига камайтириш шаклидаги қўшимча имтиёзларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

2010 йил учун бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ва Давлат бюджети лойиҳаси аҳолининг даромадлари ва фаровонлиги даражасини янада оширишни, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни кўпайтиришни, бюджет муассасаларини молиялаштиришни мақбуллаштиришни, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилиги ва самарадорлигини янада кучайтиришни, фаол инвестиция сиёсатини давом эттиришни назарда тутиши қайд этилди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида 2010 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, модернизация қилиш ва реконструкция қилишга, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларига зарур маблағлар ажратилиши назарда тутилмоқда.

Бир қатор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар рахбарларининг ҳисоботларида жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида республикада иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган мамлакатимиз корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бюджет, солиқ, кредит имтиёзлари ва бошқа чоралар билан қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги таҳлилига алоҳида эътибор берилди.

Муҳокама қилиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ЎзА).

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти йил сайин тобора ривожланиб бораяпти. Жорий йилда ҳам бу соҳада юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Табиийки, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши салмоқли бўлаётир. Тошлоқ туманидаги "STAplast" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Ислоҳот

"Садда" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги мазкур корхона истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган эди. Қарийб 40 нафар қишлоқ ёшлари уюшган ушбу жамоада турли-туман уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. 2005 йили корхонада техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ишлари амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот тури кўпайиб, ҳажми ортди. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 640 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоизлик ўсишга эришилди. 100 турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди.

Корхона тобора замонавий технологиялар билан жиҳозланиб бормоқда. Жумладан, яқинда 43 миллион сўмлик хориж ускуналари келтирилиб ўрнатилди. Бу эса корхонада харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтираётир.

СУРАТДА: фирма ишчилари Баҳодир Мансуров ва Шавкат Олимов.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ТОКИО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

Токиодаги йирик "Токио Биг Сайт" кўргазмалар мажмуида Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси томонидан ташкил этилган анъанавий "World Travel Fair" халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда дунёнинг 150 та давлатидан, жумладан, Ўзбекистондан сайёҳлик идоралари, агентликлар, авиакомпаниялар вакиллари, меҳмонхона бизнеси ва хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари қатнашди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Японияда ваколатхонаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ҳамда мамлакатимизнинг бир қатор сайёҳлик компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг экспозицияси кўргазма давомида алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Кўргазма меҳмонлари Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган диққатга сазовор сайёҳлик масканлари билан батафсил танишишди. Халқ амалий санъати буюмлари, турли қуруқ мевалар, ахборот материаллари кўргазма меҳмонларига ўзбек халқининг қадимий тарихи, бой маданияти, меҳмондўстлик фазилатларини яқиндан ҳис этиш имконини берди.

Ҳозирги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан кунчиқар мамлакатнинг "Нарита" ва "Кансай" халқаро аэропортларига ҳафтада икки марта авиарейслар амалга оширилаётгани Ўзбекистонга япон сайёҳларини жалб этишга сезиларли даражада кўмаклашмоқда.

Кўргазма доирасида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқоннинг тарихий обидалари тасвирланган видеолавҳалар ҳамда Тошкент шаҳри меҳмонларида катта қизиқиш уйғотган пойтахтнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган махсус видеофильмлар намойиш этилди.

Икки бор Ўзбекистонга келишга муяссар бўлган "Токио-ТВ" телекомпанияси ходими **Жумпей Йокота**нинг сўзига кўра, мамлакатимизга қилган

Биз ва дунё

саёҳати унда чексиз таассурот қолдирган ва яна бир бор ушбу ажойиб ўлкага келиш истагини уйғотган. Жумпей Йокота географик жойлашуви ҳамда тарихининг қадимийлиги туфайли Ўзбекистон бетакрор руҳият ва колоритга эга бўлган турли маданиятларнинг ҳақиқий хазинаси ҳисобланишини таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга дунёнинг турли қитъаларидаги жаҳон меъморчилигининг ҳозирга қадар ақлни шоширадиган ноёб асарларидан саналмиш буюк аждодларимиз ва меъморларимизнинг ижодлари намуналарини ўз кўзлари билан кўришни истовчи минглаб сайёҳларни жалб этмоқда.

Ж. Йокотанинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Японияни меҳнатсеварлик ҳамда меҳмондўстлик каби фазилатлар ўз ифодасини топган менталитетларнинг ўхшашлиги бирлаштириб туради. Унинг фикрига кўра, ушбу тадбир японларнинг Ўзбекистонга "Шарқ дурдонаси" ва "Буюк Ипак йўли воҳаси" сифатидаги қизиқишларини янада оширади.

"Чуохоки Паблишерс" компанияси ходими **Такако Фунада** хонимнинг айтишича, унда 2001 йилда Ўзбекистонга уюштирган илк саёҳати чоғида ўзбек халқининг қизиқарли ва бой маданиятига айрича бир майл уйғонган ҳамда Ўзбекистонга бўлган самимий туйғулари ифодаси сифатида Японияда ўзбек тилини мустақил ўрганишни бошлаган. Т. Фунада хоним Ўзбекистонга яқинда яна бир бор келиш ва қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ташкил қилинган, ёрқин рангларга бурканган мусиқа байрами ўзида катта таассурот қолдирганини қайд этди.

Японияннг "Эй-Жи-Ти" сайёҳлик компанияси ходими **Акане Масаока** хоним Ўзбекистонга сўнгги — жорий йил июль ойида уюштирган сафари чоғида мамлакатимизда деярли барча жабҳаларда, жумладан, туризм соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. "Мени, айниқса, Тошкентнинг 2200 йиллиги арафасида шаҳарнинг ҳар бир бурчагида ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг олиб борилаётгани ҳамда улкан байрам тантаналарига тайёргарликнинг бориши ҳайратлантирди", дейди А. Масаока.

«Жаҳон» АА.
Токио

Ҳамкорлик

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 30 сентябрь куни Ўзбекистон ва Бразилия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – БРАЗИЛИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Бразилия Тараққиёт, саноат ва ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, саноат, сармоя, банк-молия, божхона, солиқ, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, мебелсозлик, кўнчилик, соғлиқни сақлаш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, суғурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сайёҳлик, маданият ва спорт соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Акмал Камолов, Бразилия Тараққиёт, саноат ва ташқи савдо вазирлиги ижрочи котиби Иван Рамальо мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар изчил тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидладилар. Ҳамкорликнинг ҳозирги юксак босқичга кўтарилишида Президент Ислом Каримовнинг жорий йил май ойида Бразилияга расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур бинони Олтиариқ туманидаги "1-кўчма механизациялашган карвон" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа вақт ичида бунёд этди.

ФИЛИАЛНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Йигит-қизларимиз ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Ёшларнинг салоҳиятини юксалтириш борасида таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самараларини бермоқда.

Бугунги кунда Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг икки факультетида тўрт йўналиш бўйича 920 нафар талаба таълим олмоқда. Уларга 72 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ бераётир.

(Давоми 2-бетда).

БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА

Халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари миллий қонунчилигимизда, амалда ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тақдимномасига асосан, шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилингани бунинг яна бир тасдиғидир.

Шу кунларда мазкур Қарор ижросини изчил таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашиши, хусусан, уларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга

Қарор ва ижро

тегишли ёрдам кўрсатиш, воягa етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топшириш, соғлиғини тиклаши учун зарур шароит яратиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида мазкур қарорнинг ижросини таъминлашга бағишланган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Амнистия тўғрисидаги мазкур Қарор айбига иқрор бўлиб, қилмишидан афсус-надомат чекаётган маҳбусларнинг ўз оиласи бағрига қайтиши учун кенг йўл очди, — дейди Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди судьяси Дилшод Иззатов. — Бундай бағрикенглик ва кечиримлилик билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Амнистиянинг суд томонидан

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда инсон саломатлигини ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларнинг жамиятнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, бу борада қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар соҳадаги муносабатларни тартибга солишда, соғлиғимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Хусусан, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг яқинда Президентимиз томонидан имзолангани фикримизнинг яққол исботидир. Ушбу Қонуннинг кучга кириши, айтиш жоизки, ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари оқимидан ҳамда уларнинг ғайриқонуний нусхалари муомалада бўлишидан ҳимоя қилади. Шу ҳақда мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом НАСРИЕВ билан суҳбатлашди.

ҚАЛБАКИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Уларни ишлаб чиқариш ва мамлакатимизга киритилишининг олдини олиш бўйича ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

— Мамлакатимизда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, улар учун соғлом муҳитни вужудга келтириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ўзининг ҳуқуқий асосларига эга, — дейди Илҳом Исмоилович. — Жумладан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлар аҳоли соғлиғини сақлаш ва уларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ вақт ўтиши билан амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти туғилишини ҳам қайд этиш жоиз.

Мана, масалан, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлигига ўн икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Мазкур Қонуннинг айрим бандлари бугунги кунда дори воситалари муомаласи соҳасидаги амалиётга тўғри келмайди. Бу эса, ўз навбатида, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари, шунингдек, дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари муомаласига қарши курашиш амалиётига салбий таъсир кўрсатади.

— Кейинги пайтларда қалбакилаштирилган дори воситаларининг муомаласи билан боғлиқ салбий ҳолатлар учрамоқда. Янги Қонунда ана шуларни бартараф этишда қайси жиҳатларга эътибор қаратилди?

— Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситалари муомалада кўп учрамоқда. Айниқса, истеъмолда кўп қўлланиладиган маҳаллий ва хориж фирмалари дори воситаларининг қалбакилаштирилаётгани кузатилаётир. Масалан, 2008 йилдаги экспертиза хулосаларига кўра, 6130 ўриндаги, шулардан 261 ўриндаги қалбакилаштирилган, 1257 ўриндаги давлат рўйхатидан ўтмаган, 138 турдаги сифатсиз, 4471 турдаги мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаган дори воситалари аниқланган. Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи соҳасидаги шу каби қоидабузарликларнинг асосий сабаблари, айтиш жоизки, амалдаги қонунда «қалбакилаштирилган дори воситаси», «сифатсиз дори воситаси», «дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари» каби тушунчаларнинг аниқ таърифи берилган мезонларнинг йўқлигида ва дори воситаларини сотиш, ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинишининг ман қилинмаганлигидадир.

Шу ўринда «қалбаки» ва «қалбакилаштирилган» жумласига тўхталадиган бўлсак, мазкур Қонунда халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда «қалбаки» атамаси ўрнига «қалбакилаштирилган» ибораси қўлланилди. «Қалбакилаштирилган дори воситалари», яъни «фальсифицированное лекарственное средство» тушунчаси халқаро директива ва ҳужжатларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган келишувларда (ЖССТнинг 1992 йилда қабул қилинган таърифи, МДҲ иштирокчи давлатлари томонидан 2008 йилда қабул қилинган «Қалбакилаштирилган дори воситалари муомаласининг олдини олиш чора-тадбирлари ва дори воситалари муомаласини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни уйғунлаштириш бўйича келишуви» ва

Қонун кучга кирди

бошқалар) қўлланилган. Шу боис Қонуннинг 2-моддаси бир-биридан тубдан фарқ қилувчи «қалбакилаштирилган дори воситаси», «сифатсиз дори воситаси» ва «дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари» тушунчалари билан тўлдирилди.

— Илҳом Исмоилович, шу ўринда Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача тушунтириш бермасангиз.

— «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси 5-қисмида «Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбакиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини реализация қилиш тақиқланади», деб баён қилинган. Мазкур нормада инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган «сифатсиз дори воситаси»ни реализация қилиш тақиқланиши белгиланмаган. Вақоланки, дори воситаларининг «қалбакиси», «ғайриқонуний нусхалари» ва «сифатсиз» дори воситаси бир-биридан фарқ қилувчи тушунчалардир.

Қонуннинг 13-моддасининг 6-қисмида эса «муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланиши» белгиланган. Дори воситаларининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар яроқлилик муддати ўтмасдан ҳам (тегишли ҳарорат ва шароитда сақланмаса ёки бошқа сабабларга кўра) истеъмолга яроксиз — сифатсиз бўлиши мумкин. Ана шундай сифатсиз дори воситасини сотиш тақиқланиши Қонунда белгиланмаган.

Шунингдек, 7-модданинг 2-қисмида «Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини ишлаб чиқариш тақиқланади», деб белгиланган. Бироқ қалбакилаштирилган дори воситаларини ёки уларнинг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланмаган. Шу боис кучга кирган ҳуқуқий ҳужжатда 7-модданинг 2-қисми ҳамда юқорида таъкидланган моддаларга тегишли ўзгартишлар киритилди ва янги таҳрирда баён қилинди.

— Сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларининг ноқонуний савдоси «қора бозорлар»да учраши кўп бор исботланган. Эндиликда кучга кирган Қонун ана шундай ноқонуний фаолиятга чек қўядими?

— Дарҳақиқат, сифатсиз, қалбаки дори воситаларининг ноқонуний савдоси долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бундай салбий ҳолатлар қўмитамиз йиғилишларида кўп бор таҳлил этилган. Бу борада парламент назорати ҳам ўтказилган. Гап инсон саломатлиги, ҳаёти устида борар экан, қалбаки ва яроксиз дорилар тарқалишининг олдини олиш нафақат тегишли соҳа ходимларига, балки кенг жамоатчилик зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда турли йўллар, шу жумладан, ноқонуний йўллар билан мамлакатимиз истеъмол бозорига инсонлар соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган сифатсиз ва истеъмолга яроксиз дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар кириб келмоқда. Ноқонуний йўллар билан олиб келинган дори воситаларини фуқаролар «қора бозорлар»да реализация қилишмоқда ёки улгуржи савдо билан шуғулланувчи шахслар томонидан чакана савдо қилувчи дорихоналар тизимига етказиб берилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўтказган тадбирларда бозор ва бошқа жамоат жойларида дори воситаларини ноқонуний реализация қилиш билан шуғулланаётган шахслар аниқланган ва улар фаолиятига чек қўйилган. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатсиз дори воситаларини ишлаб чиқариш ва ўтказиш ҳолатлари аниқланган. Мисол учун, истеъмолга яроқлилик муддати ўтиб кетган хом ашёлардан 22 турдаги 330,6 млн. сўмлик дори воситаларини ишлаб чиқарган «Ўзфармсаноат» концернига қарашли «Универсал фарм» АЖ, 2972 дона яроқлилик муддати ўтган дори воситаси, сифат сертификатисиз 515 кг. фольга ва 48 кг. микропеллет воситаларини сотиш мақсадида омборда сақлаган «Нобел-Фармсаноат» хориж компаниясини келтириш мумкин. Шунингдек, 254,1 млн. сўмлик яроқлилик муддати ўтган дори воситаларини сақлаган ва шундан 67 млн. сўмлигини реализация қилган «Биомед» МЧЖ ҳамда давлат реестрига киритилмаган 175,5 млн. сўмлик дори воситаларини ноқонуний равишда олиб кирган «Қандиёр ота» корхонаси мансабдор шахсларининг қонунга зид жиноий ҳаракатлари кишини ташвишлантиради.

Шу нуқтаи назардан айтганда, яқинда Президентимиз томонидан имзоланган ва кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун юқорида қайд этилган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар эса, аввало, уни қўллаш амалиётини енгиллаштиради. Шу билан бирга, ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари оқимидан самарали ҳимоя қилади.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Савдо-иқтисодий шериклик борасида Ўзбекистон ва Бразилия катта имкониятларга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили 121,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-июнь ойларида 100 миллион долларга етди. Бизнес-форумда Бразилиянинг кўплаб йирик фирма ва компанияларидан вакиллар қатнашгани юртимиздаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит ушбу уммонорти мамлакатида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор кучаяётганидан далолатдир.

Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга мазкур ташрифи асосида икки мамлакат ўртасида қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланган эди. Эришилган келишувлар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бизнес-форумда бразилиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, банк-молия, сайёҳлик, автомобилсозлик, авиасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, мамлакатимиздаги мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорлик боис ялпи ички маҳсулот ҳажми мунтазам ўсиб бормоқда. Меҳмонлар юртимиздаги изчил иқтисодий ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар ҳамда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қулайлик ва имтиёзлар билан танишдилар.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти изчил ривожланаётган мамлакат, — деди Иван Рамальо. — Юртингиз ишбилармонлари билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Дунёда молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳукм сураётганига қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ошиб бораётгани Ўзбекистон ва Бразилияда ана шундай шароитда ҳам ўзаро ҳамкорликка қизиқиш юқори эканидан далолат беради. Мақсадимиз мавжуд имкониятлардан янада оқилона фойдаланган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Бизнес-форумда Бразилия фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Бразилия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Тадбир қатнашчилари бир-бирининг имкониятлари билан танишиб, ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

МАЗАЛИ, ШИРИН ВА СИФАТЛИ

«Fayz Dekor Biznes» қўшма корхонаси маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Савдо дўконларида харид жараёнини кузатганмисиз? Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олаётган мижозлар, албатта, "Ўзимизда ишлаб чиқарилганми?" дея сўрашади. Бу бежиз эмас. Чунки мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса нисбатан арзон эканлигини истеъмолчи сифатида ҳар биримиз яхши англаймиз. Бунга истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли эришилди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Қувонарлиси, бозору дўконлар Маҳаллийлаштириш дастури шарофати туфайли янги-янги маҳсулотлар ҳисобига йил сайин бойиб бораётир. Бу эса нафақат ички бозор эҳтиёжини таъминлашга, балки экспорт салоҳиятининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,9 фоизга ўсгани фикримиз далилидир.

Очиғи, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қандолатчилик маҳсулотларига бўлган талаб Россия, Туркия, Украина сингари хориж давлатларининг маҳсулотлари эвазига қондирилар эди. Гарчи юртимизда Шарқ ширинликлари тайёрлаш мактаби мавжуд бўлса-да, шоколад, конфет ва бошқа маҳсулотлар айтарли даражада ишлаб чиқарилмас эди-да! Чунки бу мураккаб жараён бўлиб, иш замонавий технологик линияларда бажарилиши лозим эди. Ана шундай пайтда тадбиркорлик ҳаракати ривожлантирилгани, қулай сармоявий муҳит юзага келтирилгани айни муддао бўлди. Тизимга хориж инвестициялари жалб этилиб, янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Пировардида қисқа давр ичида бозорларимизни ўзимизнинг шоколадлар билан тўлдиришга эришдик.

Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг қандолатчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда Тошкент вилоятидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Fayz Dekor Biznes" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси жамоасининг муносиб улуши бор. Мазкур корхона иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу ерда 2008 йилдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шундай бўлса-да, унинг довруғи нафақат юртимиз, балки Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари қўшни давлатларга ҳам ёйилди. Негаки, корхонада Туркия, Германия, Италия технологиялари асосида тайёрланаётган юқори сифатли шоколадлар барчага манзур бўлаётир.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Айтиш жоизки, дастлаб истеъмолчиларга 4 турдаги шоколад етказиб берилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 20 хилдан ошиб кетди. "Файз", "Люкс", "Премиум", "Королевский шарм", "Золотой сундучок" шулар жумласидандир. Яқин кунларда эса маҳсулотлар тури яна биттага кўпаядиган бўлди. Гап шундаки, махсус қутиларга шоколадларни қадоқлаш ҳам ўзлаштирилди.

Корхона цехлари энг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, иш автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Улар 30 нафар йигит-қиз томонидан бошқарилиб, ойига 30 тонна харидоргир қандолат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

— Яқинда пойтахтимизда ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва мазкур соҳага оид замонавий технологиялар-нинг "FoodWeek Uzbekistan" халқаро ихтисослашган кўргазмаси бизга янги бозорларни ўзлаштириш имконини берди, — дейди қўшма корхонанинг савдо директори Миромил Эргашев. — Гап шундаки, кўргазма давомида маҳаллий буюртмачилардан ташқари, Эрон, Россия, Украина ва Болтиқбўйи давлатларидан таклифлар олдик. Айни пайтда мазкур мамлакатларга маҳсулот сотиш бўйича келишувларга эришаяпмиз.

Қўшма корхона устав жамғармасининг қарийб 85 фоизи чет эл инвесторининг улушига тўғри келади. Бугунгача 330 миллион 860,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги хориж инвестицияси ўзлаштирилди. Қолган қисми эса 2010 йилгача жалб этилиши кўзда тутилган. Ана шунда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, тури ҳам икки баробарга ошади. Қўшимча равишда эса 50 та янги иш ўрни очилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда "Fayz Dekor Biznes" ёрлиғи туширилган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бораётир. Бунинг сабаби, унинг нархи четдан келтирилганига қараганда 2-3 баробар арзон, сифат кўрсаткичлари эса юқори. Шу боис тайёрланган маҳсулотлар пешма-пеш харидорларга етказиб берилмоқда. Бугунгача 500 миллион сўмлик қандолат маҳсулотлари тайёрланганги шундан далолат беради.

Жамоа йил охиригача яна 180 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашни режалаштирган. Шу мақсадда меҳнат аҳли ғайрат-шижоат билан ишламоқда.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг қадоқлаш цехи ишчилари Дилфуза Ризаева ва Сайёра Солихонова.

ФИЛИАЛНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Филиалнинг янги ўқув биносида ёшларнинг замонавий билим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Ўқув хоналари замонавий таълим-тарбия жиҳозлари, техник воситалар билан таъминланган. Бу ерда ёшлар учун ахборот-ресурс, компьютер ва тил ўргатиш марказлари ишлаб турибди. Эътиборли жиҳати, барча компьютерлар интернет тармоғига уланган бўлиб, талабалар ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан бемалол фойдаланиши мумкин.

Бинонинг очилиш маросимида Тошкент Ахборот технологиялари университети ректори С. Қосимов, мазкур университетнинг Фарғона филиали директори Р. Тешабоев ва бошқалар юртимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор, ёшларимизнинг замон талаблари даражасида таҳсил олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳ. Неъматов иштирок этди.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етади. Боиси улар учун оила ва фарзанддан айри яшашдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

— Илгари бағрикенглик, кечиримлилик деган сўзларнинг маъно-мазмунини унчалик англаб етмаган эканман, — дейди амнистия шарофати билан жазодан озод этилган Муҳаббат Боймуродова. — Бағрикенг ва буюк халқнинг фарзанди эканимни, шунга муносиб бўлишим кераклигини энди чуқур англадим. Юртбошимиз томонидан мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик ҳаёт йўлимни бутунлай ўзгартирди, деб ҳозир ишонч билан айта оламан. Уйимга қайтиб, фақат ҳалол яшаш, эл-юрт корига яраши олдимга мақсад қилиб қўйдим. Мени кўзлари тўрт бўлиб кутаётган фарзандларимни ҳам ана шундай тарбия қиламан.

— Дунёда озодликдан тотлироқ неъмат йўқ экан, — дейди Шаҳноза Абдужабборова. — Оиланг бағрида, яқинларинг билан хотиржам яшашга нима етсин. Буни жазони ижро этиш муассасасида ўтган кунларимда чуқур англаб етдим. Президентимизнинг мен каби адашганларга бағрикенглик кўрсатиб, айбимизни афв этганлари учун озодликка чиқяпман. Бундай инсонпарварлик учун халқимиздан, Юртбошимиздан бир умр миннатдормиз.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

Яхши хабар

Қурувчилар тухфаси

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманида 400 ўринга мўлжалланган академик лицей фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган ушбу билим даргоҳи энг замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган. Бу ерда лингафон хонаси, лаборатория, компьютер синфлари билан бир қаторда, спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун спорт зали, стадион мавжуд.

Мазкур лицей "Маҳмуд Достон" қурилиш корхонаси томонидан бунёд этилиб, қурилиш ишларига 3 миллиард 380 миллион сўм маблағ сарфланди.

М. ҲОТАМОВ.

1 октябрда Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб, бу шарафли касб соҳибларига барчамиз қизғин ва самимий қалб эҳтиромларимизни изҳор этдик. Шу билан бирга, айни шу кун кўп йиллардан буён жаҳон миқёсида Халқаро қариялар куни сифатида ҳам нишонланиб келинади.

ҲАЁТИНГИЗ ФАЙЗЛИ, УМРИНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН

Ўз қарияларининг қадрини баланд тутиш, жонидан ортиқ эъзозлаш — халқимиз маънавиятининг азалий хусусиятларидан саналади. Миллий менталитетимизга хос бундай фазилат давлатимиз сиёсатини белгиловчи йўналишлардан бирига айланди. Президентимиз раҳнамолигида мустақил ривожланиш йилларида эл-юртимизга катта хизматлари синган муҳтарам кекса авлод вакилларининг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг тинч ва хотиржам, мазмунли умр кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу тариқа жамиятимизда инсонпарварлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифалардан, деб эълон қилинди.

Бу эзгу сиёсат изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ривожланишимизнинг "Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган устувор тамойили ҳаётда кўпни кўрган, умрини, бутун борлиғини эл-юрт иши учун бағишлаган кекса авлод вакилларининг тақдирини ҳам доимо файзли, обод ва мунаввар этиб келмоқда.

— Бугунги кунда, — дейди биз билан суҳбатда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Анвар Каримов, — давлатимиз ва халқимизнинг меҳр-эҳтиромли шароитида яшаётган фахрийлар орасида 11883 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 170 минг нафардан ортиқ фронт ортида меҳнат қилган нуронийлар, 30051 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар бор. Ёши юздан ошган кексаларимиз 2 минг нафардан кўпроқ. Республикамизда уларга ҳар тарафлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилмоқда.

Шунингдек, вазирлигимиз тизимидаги саккизта "Саховат" уйида ҳамда Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида 1100 нафардан ортиқ ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар тўлиқ давлат таъминотига олинган. Уларга малакали тиббиёт ходимлари томонидан тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бу инсонпарварлик даргоҳларидаги қариялар мунтазам равишда бир йилда икки ма-

Эҳтиром

ротаба чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб турилади ва қариялар режали равишда соғломлаштириб борилади. "Саховат" уйлари ва пансионатдаги кексаларнинг ҳар бирига алоҳида ва ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароитларга эга хоналар ажратилган. Қариялар ҳар куни тўрт маротаба иссиқ овқатлар билан таъминланади. Байрамларда бу даргоҳларда, албатта, турли хайларида ижтимоий ҳимоянинг самарали шаклларидан бири бўлган "Ижтимоий томорқа" тизими фаол ишлаб турибди. Чунончи, мамлакат бўйича 9430 нафар ёлғиз кишига қарашли 41,9 гектар томорқа ерлари хатловдан ўтказилди. Уларга 3556 нафар ижтимоий хизмат ходими бириктирилган. Шу ерларнинг 31,6 гектарига сабзавот, 10,3 гектарига мевали дарахтлар экилаяпти. Ёлғиз инсонлар ўз тасарруфларидаги бу ерларнинг, аввало, кўкариб-яшнаб турганлигидан, қолаверса, улардан кўнгилдагидай маҳсулот олаётганликларидан мамнун ҳолда яшамоқдалар.

Шунингдек, Ватанимизнинг 121 та туман ва шаҳарида "Бепул транспорт хизмати" ташкил этилиб, бу йўналишда 4948 нафардан ортиқ ёлғизлар имтиёзли транспорт хизматидан фойдаланмоқдалар.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида диспансер кўригидан ўтказилган 30 минг нафар ёлғиз кексалардан 11043 нафари давлат ва ҳомийларнинг кўмагида стационар шароитида даволанди. Жойларда 146 нафар катаракта асоратидан кўзи ожизланган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг кўзларига сунъий кўз гавҳари қўйиш орқали реабилитация қилиниб, фаол ҳаётга қайтарилди.

Бундан ташқари, жойлардаги ижтимоий ҳимоя муассасалари, маҳаллалар кўмагида муҳтарам нуронийларимиз Ватанимиз пойтахтига, бошқа шаҳарларга, тарихий ва табаррук зиёратгоҳларга саёҳатларга бориб келмоқдалар...

Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ ва азиз, деб эътироф этилаётган она-Ўзбекистонимизда муҳтарам кексаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор умумхалқ ҳамда давлат миқёсида муҳим фаолият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

М. САФАРОВ.

Урганчлик тадбиркор Арслонбек Қаландаров Истиқлолнинг дастлабки йилларида ўз хусусий корхонасини ташкил этиб, автотранспорт ва техника воситалари учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Орадан бир неча йил ўтиб, у аккумуляторлар учун 360 тонна оксид кадмия ишлаб чиқарадиган янги заводни ҳам қуриб, фойдаланишга топширди.

Яқинда тадбиркор ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. А. Қаландаров раҳбарлик қилаётган "Мини-аккумулятор" масъулияти чекланган жамияти Жиззахдаги "ЎзЭксайд" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси буюртмасига биноан аккумуляторлар учун моноблоклар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Натижада ўтган қисқа давр мобайнида корхона жамоаси ҳамкорларига 210 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Океанияда яна зилзила

Океания минтақасида мазкур ҳафтада иккинчи бор зилзила рўй берди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, навбатдаги ер силкиниши Тонга давлатида кузатилган. Табиий офат кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллни ташкил этган. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Эслатиб ўтамиз, сешанба куни минтақадаги Самоа мамлакатида саккиз баллик зилзила қайд этилганди. Натижада ҳудудда баландлиги 7,5 метрга тенг цунами ҳосил бўлиб, 150 киши ҳаётдан кўз юмганди.

* * *

Бундан бир неча кун муқаддам Индонезиянинг Суматра оролида рўй берган ер силкиниши оқибатида қурбон бўлганлар сони 1100 кишига етди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий вакилининг билдиришича, бу рақам янада ошиши мумкин.

Табиий офат содир бўлган ҳудуддаги биноларнинг 75 фоизи бутунлай вайрон бўлган, хусусан, аэропорт ҳамда шифохоналар ҳам жиддий зарар кўрган. Шу боис яраланганларга кўчаларда ташкил этилган вақтинчалик шифохоналарда ёрдам кўрсатилаяпти.

Автомобиль бошқарувида чеклов

АҚШда давлат хизматчиларининг автомобилни бошқараётганда SMS хабар ёзишлари тақиқлаб қўйилди, дейилади "Франс пресс" ахборотида.

Мамлакат транспорт вазири Рэй Лахуднинг таъкидлашича, бундай қарорга келиниши давлат идоралари вакилларининг ҳаёти ва соғлиғини асрашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Статистика маълумотларига кўра, биргина 2008 йилда АҚШда олти минг киши автоуловни бошқариш чоғида ҳаётдан кўз юмган.

Қанча гўшт ейишади?

Ҳар йилнинг 1 октябри жаҳонда Вегетарианлар куни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан Германиянинг Вегетарианлар Кенгаши мамлакатда ўзига хос тадқиқот ўтказди.

"DPA" агентлиги хабарида айтилишича, бу тадқиқот ишида ҳар бир германияликнинг умри давомида нечта жонивор гўштини истеъмол қилиши ҳисоблаб чиқилди. Бир немис фуқароси умри давомида 4 та сигир ёки бузоқ, 4 та қўй, 12 та ғоз, 37 та ўрдак, 46 та курка ва 945 та товуқ истеъмол қиларкан. Агар Германияда ҳафтада бир кун "Вегетарианлар куни" деб номланса, у ҳолда 157 миллион жониворни сақлаб қолиш мумкин бўларкан.

Ноёб топилма

Жанубий Африка Республикасида 507,55 карат келадиган олмос топилди.

Мазкур қимматбаҳо тошнинг сифати жуда юқори бўлиб, унда ҳеч қандай нуқсонлар йўқ. Шунингдек, нодир тошнинг ёнидан 168, 58,50, ва 53,30 каратли яна учта олмос ҳам топилган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, улар ҳам жуда юқори сифатли ва бундай тоза олмослар камдан-кам учрайди.

Таъкидлаш керакки, Жанубий Африка Республикаси ҳудудида ана шундай ноёб тошларга тез-тез дуч келинади. Жумладан, турли йилларда бу ердан 755, 599 каратли олмослар топилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётимизда етакчи кучга айланиб бораётир. Буни уларнинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳамда ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар сафи йилдан-йилга ортаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ, МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

MIKROKREDITBANK

Таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларининг бу қадар ривожланишида молия муассасаларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Яъни, ҳозирги кунда банклар мазкур соҳа вакилларига ҳар томонлама қулай ва бир қатор имтиёзларга эга кредитлар ажратиб, хизматлар кўрсатаётир. Бу борада, айниқса, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, банкнинг Навоий вилояти филиалида жорий йилнинг саккиз ойи давомида кичик бизнес субъектларига 9 285,8 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилиб, микролизинг хизматлари кўрсатилди. Ажратилган микрокредитларнинг 1 218,0 миллион сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 5 250,5 миллион сўми айланма маблағни тўлдиришга йўналтирилган бўлса, 2 817,3 миллион сўми техника ва технологиялар харид қилиш учун йўналтирилди. Ана шу рақамларни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан солиштирадиган бўлсак, жорий йилда берилган микрокредитлар миқдори 3 418,4 миллион сўмга кўпайгани маълум бўлади.

Маълумки, ҳар қандай хизмат кенг ва мунтазам тарғиб қилингандагина яхши самара беради. Шу маънода, айтиш мумкинки, соғлом рақобат майдонида фаолият юритаётган молия муассасалари ҳам ана шу қоидага амал қилиб, кам бўлаётгани йўқ. Улар томонидан аҳоли манфаатини кўзловчи бир қатор хизматлар таклиф қилинаяптики, натижада банк ва мижоз ўртасида ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланиб бораяпти.

"Микрокредитбанк" ушбу йўналишда етарлича тажрибага эга эканлигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Банк ходимларининг ҳар бир маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинига бориб, турли мавзуларда семинар ва учрашувлар уюштириши, тадбиркорлик иштиёқидаги кишилар фикрини тинглаш сингари тадбирларни ўтказиши яхши анъанага айланган. Шу боис филиалда микрокредитлар ажратиш борасидаги ишлар 2,1 баробар ортиғи билан уддаланиб, қўшимча 7 397 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирги кунда хотин-қизлар зардўзлик, каштачилик, тикувчилик сингари тадбиркорликнинг турли йўналишларида ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш этишаётгани ҳаммага маълум. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса уларнинг жамиятимизда янада фаол бўлишлари учун кўплаб имкониятлар яратиб берди.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилояти филиали жамоаси ҳам уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш мақсадида доимий кўмак бериб келмоқда. Жумладан, филиал томонидан жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида фақатгина хотин-қизларга 485,0 миллион сўмлик ўрнига 544,3 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Натижада беш юзга яқин хотин-қиз тадбиркорга айланди.

Молия муассасаларида

Бугун, шунингдек, юртимизда савдо, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва телекоммуникация, сайёҳлик ҳамда меҳмонхона хизматларини ташкил этишдек муҳим ишларга ҳам жиддий аҳамият қаратилаяпти. Бу эса шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгаришига, аҳолининг иш билан банд бўлишига катта ёрдам бермоқда. Масалан, Қизилтепа туманининг Ванғози маҳалласидаги "Чорбоғобод" савдо ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, айни пайтга келиб, унинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш шохобчасида етти нафар ишчи аҳолига сифатли ва намунали хизмат кўрсатиб келаётир. Бу, албатта, фирманинг замонавий технологиялар билан жиҳозланиши учун эса филиал 49 миллион сўм миқдорида лизинг хизмати кўрсатгани шарофатидир.

Умуман, филиал ўтган вақт ичида фирма ва корхоналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш учун 651,0 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

Шу билан бирга, ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам филиалнинг эътиборида турибди. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан филиал томонидан ёш оилаларга 590,7 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади.

— Фермерлар аграр тармоқнинг энг асосий вакилларидир, — дейди филиал раҳбари Юсуф Раҳимов. — Бугун қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг салмоқли қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Биз айни пайтда пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган 388 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатаяпмиз. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса шу йилнинг ўтган даври мобайнида кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олишлари учун 103,4 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратдик.

Барчага аёнки, ҳозирги кунда уяли алоқа воситалари кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Шу боис филиал томонидан бундай телефон эгаларига хизмат кўрсатувчи кўплаб "Paynet" уяли алоқа тармоқлари ишга туширилди. Амалиёт бўлимида 3 та, бу бўлимга қарашли "Ёшлик" минибанкида битта, Кармана тумани филиалида 4 та, Қизилтепа тумани филиалида 2 та ана шундай шохобча, шунингдек, аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 6 та "АПП-2" аппарати шулар жумласидандир.

Амалга оширилган бундай ишлар натижасида филиал томонидан 9700 дан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилиб, турли савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида 160 та терминал ўрнатилди.

Омонатлар, маълумки, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамловчи воситалардир биридир. Бунда, табиийки, уларнинг аҳоли манфаатидан келиб чиққан ҳолда жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолига жозибадор ва қулай шартларга эга 25 турдаги омонат тақдим қилинган бўлиб, унинг 24 таси муддатлидир. Жорий йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, омонатлар қолдиғи 1 485,8 миллион сўмни ташкил этгани ва бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анчагина кўплиги шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Қисқа қилиб айтганда, бугун "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки кредитлар ажратиш ва хизматлар кўрсатиш орқали мижозлар ишончини қозониб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, унинг тизимда нуфузи ортишига сабаб бўлаётир. Мазкур молия муассасасининг Навоий вилояти филиали фаолияти шундан далолат беради.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЛОЙИҲА УЧУН ХАЛҚАРО ГРАНТ

Бухоро вилоятида "Жайрон" экологик маркази ташаббуси билан "Янги ер — янги ҳаёт" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шу асосда айни пайтда марказ томонидан 9369 гектар майдонда йўқолиб бораётган ноёб ҳайвонлар — жайрон ва қулонларни парвариш қилиш ҳамда кўпайтириш йўлга қўйилди.

Ҳозирда мазкур ҳудуд "Шўртангазкимё" маҳмуаси ҳомийлигида махсус тўсиқ билан ўралмоқда. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати эса сув таъминотини йўлга қўйишни ўз зиммасига олган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, "Жайрон" экологик маркази яқинда ушбу лойиҳани амалга ошириш учун БМТ Тараққиёт дастурининг 50 минг АҚШ долларилик грантини ҳам қўлга киритди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Совместное Узбекско-Индонезийское предприятие
Узбектелеком Интернешнл, ООО

ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕЙШНЛ»
Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси

имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув
ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИНИ
тақдим этади.

Ушбу телефон карточкалари орқали дунёнинг исталган нуқтасига қўнғироқ қилишингиз ва ўз яқинларингиз билан мулоқотда бўлишингиз мумкин.



Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув телефон карточкаларини тарқатиш учун дилерлик фаолияти билан шуғулланувчи, юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

МАНЗИЛ ВА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй, (8-371) 214-63-53,
e-mail: uzi.market@intal.uz

660Н/834

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини ошириш, корхоналарни модернизациялаш каби ғоятда муҳим ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, энг аввало, республикамиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир. Ушбу йўналишда, айтиш мумкинки, пойтахтимиздаги "Бектемир спирт экспериментал заводи" очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоасининг ҳам муайян ҳиссаси бор.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОФАТИ

Бугунги кунда ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг ҳар жиҳатдан сифатлилиги, арзон ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, уларга талаб тобора ошмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида корхонамизда юқори сифатли 4,5 миллиард сўмлик озуқали спирт маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди, — дейди ОАЖ раҳбари Исмат Зуфаров. — Айни пайтда маҳсулотларимизнинг сифат кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Изланиш

Маълумки, меҳнат унумдорлиги, даромадлар миқдорининг ошиши янги технологияларни жорий этишга, цехларни модернизациялашга бевосита боғлиқ. Шу боис бу йил корхонага Россия Федерациясидан 29 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши баробарида, ишчи-хизматчиларнинг меҳнати бирмунча енгиллашди. Шу билан бирга, иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида хориждан сўнгги русумдаги технологик асбоб-ускуналарни харид қилиш кўзда тутилмоқда.

Эътиборлиси, жамиятда ишлаётган 146 нафар ишчи-ходимнинг унумли меҳнат қилиши, саломатлигини тиклаши, мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи эса 320-350 минг сўмни ташкил этмоқда.

Корхона маъмуриятидан олинган маълумотларга кўра, бу ерда меҳнат қилаётган, жумладан, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам диққат марказида. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида 1,3 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳар йили касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ходимлардан 12-15 нафарига санаторий-профилакторий ва бошқа дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариш учун оилавий йўлланмалар бериш, бир маротаба тиббий кўрикдан ўтказиш анъанага айлангани ҳам эътиборга лойиқдир.

Корхонада ҳудудни ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётир. Мисол учун, Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида ОАЖнинг янги маъмурий биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий меъморлик ютуқлари асосида қад ростлаган ушбу иншоотда ишчи-хизматчилар эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, корхона атрофига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, хушманзара масканга айлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

«Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ

қайта танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Янгийўл шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари

Танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд — Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри.

Танлов ташкилотчиси — «Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:

- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Тошкент шаҳри, Осиё (собиқ Муртазоев) кўчаси, 42-уй. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати — 2009 йил 2 ноябрь соат 18.00 гача.

Қайта танлов ўтказиш муддати — 2009 йил 3 ноябрь соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов иштирокчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- *Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;*
- *давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;*
- *инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган, инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;*
- *инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотномаси;*
- *инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.*

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- *танлов ҳужжатларига мувофиқ барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;*
- *тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;*
- *танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;*
- *«Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.*

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Toshkent elektr tarmoqlari» OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СҚБ, МФО: 00884, СТИР: 201221748, ОКОНХ: 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (собиқ Муртазоев) кўчаси, 42-уй, «Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.

Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

«Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси мудири, академик Ҳожиакбар Раҳмонқуловга турмуш ўртоғи **Мавжудахон РАҲМОНҚУЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси бош шифокор Муродин Қодировга қизи **Моҳигул ЗОКИРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мусиқа инсоннинг доимий ҳамроҳи — шодон кунларда ҳам, бошга ташвиш тушган чоғда ҳам у кўнгил маҳрамига айланиб бораверади. Баъзида бирор нимадан ранжиган кишининг кўнглини кўтаришда ширин сўз ожизлик қилар, аммо дилкаш наво дилдаги ғуборни аритиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, бирор кунимиз йўққи, мусиқа тингламасак ёхуд қўшиқ эшитмасак. Мутахассислар фикрича ҳам шундай. Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Маҳмуд ТОЖИБОЕВнинг мушоҳадасича, маромига етказиб ижро этилган ашула, албатта, инсон кайфиятига хушнудлик бағишлайди.

СЎЗ ВА СОЗ СЕҲРИ

— Яқинда бир янгиликни эшитиб қолдим, — дейди Маҳмуд Тожибоев. — Эмишки, хориж олимлари юрак хасталикларини даволашнинг антиқа йўлини топишибди. Унга кўра, ҳар куни икки-уч соат анҳор ёки дарё бўйида, умуман, сув шилдираши эшитиладиган жойда сайр қилиш юрак безовталикларини бартараф этар, яна ҳам аниқроғи, сувнинг ёқимли шовуллаши ёки шилдираши юракка кони фойда экан. Бу энди, бир гап, ишониш ҳам, ишонмаслик ҳам ҳар кимнинг инон-ихтиёрида. Айтмоқчи бўлганим, яхши қўшиқ, дилбар хонишнинг инсон руҳиятига таъсири беқиёс. Асл ашула не-не дардлар, дардмандлар қалбига ороиш бермаган дейсиз?! Биргина жаҳон мусиқа аҳлининг эътиборини қозонган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа анжуманини олайлик. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Президентимиз ташаббуси билан асос солинган ушбу фестиваль бебаҳо қўшиқлар янграйдиган, дунёнинг манаман деган санъаткорларини юртимиз бағрига чорловчи юксак шодиёнадир. Бунда ноёб овоз соҳиблари, иқтидорда тенгсизлар беллашади. Кўриниб турибдики, асл қўшиқнинг миллат танламаслиги, қалбларга бесўроқ кириб бориб, кўнгилни забт этиши ушбу анжуман баҳона бот-бот ўз тасдиғини топмоқда. Қолаверса, шундай нуфузли фестиваль бизнинг юртда ўтказилиши ҳар биримизга беқиёс фахру ифтихор бағишлайди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг шундай мисралари бор:

...Мунаввар бир қуёшмен,
дур тўла тўлқинли уммонмен,
Замин теграмдадур, дилда
яшар осмон, билмассан.
Жаҳон бўстонида бир
боларидек учганим-учган,
Асалдек сўзларим, лекин,
сенга пинҳон, билмассан...

Қўшиқ — тарбия. Унда айтилган сўз дилдан чиққан бўлса, бу тарбиянинг таъсирчанлигини оширади. Тарбиялайдиган қўшиқда эса "Мунаввар қуёш", "Дур тўла уммон", "Асалдек сўз" янглиғ оҳанрабо каломлар мужассам бўлмоғи лозим.

— Айрим хонандалар Навоий, Фузулий, Бобур, Бедил, Машраб каби улуғ шоирлар ғазалларидаги маънони тушунмай туриб ижро этадилар ёки уларнинг мағзини чақишолмайди. Тили оғир, дейди. Шахсан сиз сўз масъулиятини ҳис этиш борасида қандай фикрдасиз?

— Дурадгор ўз ишига лоқайд қараса, ясаган буюми носоз чиқиши мумкин. Буюртма берган одам устанинг ишидан кўнгли тўлмагач, бошқа дурадгорга мурожаат қилади. Сўз айтиш, гапириш, хусусан, қўшиқ куйлашда эса бундан ҳам зиёдроқ эҳтиёткорлик талаб этилади. Агар оилада ота сўконғич бўлса, бу бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Элга

Санъат

танилган санъаткорнинг улуғ шоирларимиз қаламига мансуб жавоҳирга тенг сўзларни бузиб талаффуз қилиши, дарҳақиқат, тушунмасликдан келиб чиқади. Бундай қўшиқни эшитган шогирд эса худди "устози" каби бошқа давраларда қўшиқ сўзларини бузиб, энг ёмони, сўз ва соз сеҳрини юракдан ҳис этмай ижро этади.

Яқинда бир ёш хонанда худди шу мавзуда гап очди. "Мумтоз қўшиқларни ижро этмоқчиман, қандай маслаҳат берасиз?" деб мендан фикр сўради. Унга шундай дедим: "Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби санъаткорларимизнинг ижрочилик мактабида обдан сабоқ олинг!" Бунга жавобан бояги ҳаваскор хонанда "Ўша мактаб қаерда жойлашган?" деса бўладими?! Дастлаб ҳазиллашаяпти десам, йўқ, жиддий сўраётган экан. Яхшигина танбеҳ бердим. Айнан шундай саводсизлик ғазал ёки шеърнинг аслиятига бепарволикни келтириб чиқаради. Бу йўсин лоқайдлик қўшиқнинг маъно-мазмунига путур етказмай қўймайди.

— Сиз, одатда, Алишер Навоий ғазалларига мурожаат қиласиз. Ўз ҳаёт йўлингизга назар солган ҳолда айтинг-чи, Навоийни қай даражада англадингиз, буюк даҳо ижоди орқали нималарни кашф этдим, деб ўйлайсиз?

— Агар инсоният тарихида ҳазрат Навоийдек бир зот бўлмаганида, адабиёт ва санъат, менимча, ғариб ҳамда камбағал бўлиб қоларди. Узоқ йиллар давомида ҳазратнинг ижодидан баҳра олиб келмоқдаман. Навоий сиймоси мактаб йилларидаёқ ўқитувчимиз ҳикоя қилиб берган ривоятлар орқали хотирамда муҳрланиб қолган. Кейинчалик Алибек Рустамов, Суйима Ғаниева каби олимлар билан танишгач, ул зотни қайтадан кашф этгандек бўлдим. Устозимиз Юнус Ражабий "Шашмақом" учун танлаб берган ғазалларни ёдлаб юриб, ҳазратнинг ғазалларисиз ижодимни тасаввур қилолмаслигимни англаб етдим. Агар бирор тўй ёки анжуман-концертда Навоийдан хониш қилмасам, даврадан файз қочгандек туюлади, ўзимга. Гарчи ёшлигимда Навоий ғазалларининг маъносини у қадар теран тушунмаган бўлсам-да, қандайдир ички шуур билан ҳис этардим. Бу ҳолатни тушунтириш қийин. Лўнда қилиб айтсам, бугунгача эришган ютуқларим Навоий зиёсининг шуъалари туфайлидир.

— Бугун Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш санъат ихлосмандларига сабоқ бераяпсиз. Табиийки, бу даргоҳда ишлашнинг ўзига яраша масъулияти бор...

— Ўзбекистон давлат консерваторияси нафақат мамлакатимизда, балки минтақада мусиқа санъати йўналишида ягона саналган йирик маскандир. Бу муҳташам даргоҳнинг қурилиши, жиҳозланишига Президентимизнинг шахсан ўзлари жиддий эътибор қаратдилар. Мазкур ўқув юртининг тантанали очилиш маросимида Юртбошимиз нутқ сўзлаб, бу ердан мумтоз санъатимизнинг муносиб ворислари етишиб чиқишига, улар Ватанимиз номини муносиб улуғлашларига катта ишонч билдирган эдилар. Бугун биз бор тажриба ва салоҳиятимизни ишга солиб, давлатимиз раҳбарининг ишончларини оқлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Талабаларга таълим бериш жараёнида анъанавий хонандаликнинг ўзингиз эътибор бермайдиган жиҳатларига диққат қаратишингизга, ўз устингизда тинимсиз ишлашингизга тўғри келади. Ўргатган ашулаларимни талабалар ижросида тинглаш эса жуда мароқли. Зеро, шогирд тарбиялашнинг таърифлаб бўлмас қувончлари бор. Талабалар билан кўплаб радиоэшиттириш, теледастурларда иштирок этамиз. Улар "Тараннум", "Оҳанрабо" каби кўрсатувларда мунтазам чиқиш қилиб туришади. Қолаверса, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида, Маъмуржон Узоқов номидаги мақомчилар кўрик-танловида фахрли ўринларни эгаллаган, "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган издошларим борлигидан фахрланаман. "Шогирдингизнинг овози зўр экан, мана бунисининг ашуласи жуда яхши, унисининг ижро маҳорати ажойиб", деган гапларни эшитсам, қувончим ичимга сиғмай кетади...

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

МАДАНИЯТ хабарлари

Кўргазма:

ДЎСТ МАМЛАКАТ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида "Хитой ўзбекистонлик фоторассомлар нигоҳида" деб номланган кўргазма очилди.

Тадбир Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган икки давлат — Ўзбекистон ва Хитой азал-азалдан маданий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келади. Бу алоқалар ўзбекистонлик фоторассомлар ижодида ҳам ўз аксини топган. Кўргазмадан Турсун Али, В. Жирнов, Ф. Қурбонбоев сингари фоторассомларнинг энг сара асарлари ўрин олган. Ушбу асарлар юртдошларимизнинг Хитой ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиши, маданияти, маънавиятига ошно қилиши, шубҳасиз.

Б. ГОЛЕНДЕР.

МАРҒИЛОНДА ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

Марғилон шаҳрида "Ижодиёт маркази" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда бу ерда 11 йўналиш бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Бу эса ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда миллий ҳунармандчилик ва санъат сирларини пухта ўрганишларида қўл келмоқда.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕЗОН КИРДИ, ҲИСОБИНГНИ ТОП

Шамсий йил тақвимига кўра, ҳозир айни мезон. У кузнинг биринчи ойи ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, қуёш мезон буржига оғгач, кун ва тун тенглашади. Сўнгра кун қисқаришда, тун эса узайишда давом этади. Ой охирига бориб, тун ҳукмига тўлиқ икки соат қўшилади.

Бурж

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, мезон ҳавоси турлича бўлади. Баъзи йилларда иссиқ келса, баъзида ёмғирли кунлар бошланиб кетади. Шу боис мезонни "Ёз ва қиш ўртасидаги аросат" ҳам дейишади.

Шунга қарамасдан, барибир, мезон ҳавоси энг фараҳбахшдир. Унинг офтоби меваларга бол берса, инсонга ҳузур бағишлайди. Ҳатто илонлар мезон қуёшида обдан тоблангандан сўнг қишки уйқуга кетади. Баъзи ҳудудларда эса қишга сақланадиган қовун ва қовоқлар узилгач, мезон офтобига ёйиб олинади. Шундай қилинса, полиз маҳсулотлари кўкламгача бузилмасдан туради.

Халқимизда "Мезон кирди, ҳисобингни топ" ёки "Мезонда ҳосилни йиғ, акрабгача қолдирма" деган ибратомуз ўгитлар бор. Зотан, бу ой деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик учун сарҳисоб давридир. Мезон шамоли эсгандан кейин мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари йиғиштирилса, пахта қийғос очилиб, йиғимтерим авжига чиқади.

Бу пайтда, шунингдек, боғ-роғлар олтин тусга бурканади. Соҳибкорлар ток, анжир, анор новдаларини кесиб, кўмишга шошиладилар, қавс ва чилла суви бериш учун жўякларни ҳозирлайдилар. Ғаллакорлар эса шудгорлаш ишларини якунлаб, келгуси йил ҳосили учун дон сочадилар. Сабаби, бу ойда кўкариб чиққан майса мустаҳкам илдиз отиб, қиш совуғига бардошли бўлади.

Бир сўз билан айтганда, мезон деҳқончиликда энг тиғиз даврдир. Нега деганда, қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим агротехника тадбирлари ёз оёқлаган шу кунларда бажарилади. Халқ мақолида айтилганидек, "Мезондан сўнг ёз бўлмас". Унинг ҳар дамидан унумли фойдаланганларгина ютади.

Р. САИДОВ тайёрлади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Кўпчилик футбол ишқибозларининг диққат маркази Мисрда давом этаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи гуруҳ босқичларига қаратилган.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА КИМЛАР ЎТАДИ?

Учинчи тур ўйинлари айтарли даражада шов-шувларни келтириб чиқармади. "А" гуруҳида Тринидад ва Тобаго — Парагвай жамоалари баҳсида дуранг (0:0) натижа қайд этилган бўлса, мусобақа мезбонлари — Миср ёшлари италиялик тенгқурларини 4:2 ҳисобида доғда қолдиришди.

"В" гуруҳида Венесуэла устидан 3:0 ҳисобида ғалабага эришган испаниялик ёшлар кейинги босқичга юз фоизлик кўрсаткич билан чиқишди. Гуруҳда муқим аутсайдер бўлган Таити термаси эса Нигерияга имкониятни бой берди — 0:5.

Кеча "С" гуруҳида Германия — Камерун, Жанубий Корея — АҚШ, "D" гуруҳида эса Уругвай — Гана, Ўзбекистон — Англия терма жамоалари учинчи турни якунлашди.

Шахматчиларимиз ғалабаси

Туркияда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шахмат Олимпиадаси ўтказилмоқда.

Унда иштирок этаётган Владимир Егин мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бешинчи турда мезбонларга қарши баҳс олиб боришди ва 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Вакилларимиздан Жаҳонгир Воҳидов, Улуғбек Тиллаев, Олег Артёменко ва Бобур Сатторов рақибларидан устун келишди. Ушбу муваффақиятдан сўнг терма жамоамиз 13,5 очко жамғарган ҳолда умумий рўйхатда учинчи поғонага кўтарилиб олди. Мусобақада Ҳиндистон ва Россия вакиллари пешқадам бўлиб туришибди.

МУҲИМ СИНОВ ОЛДИДАН

Жорий йилнинг 4-6 октябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мини-футбол бўйича "Дўстлик кубоги" турнири бўлиб ўтади.

Унда мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Осиёнинг тўққиз карра чемпиони Эрон терма жамоаси, шунингдек, Қирғизистон термаси ҳамда Қозоғистоннинг "Қайрат" клуби иштирок этади.

Айтиш жоизки, мазкур мусобақа шу йилнинг ноябрь ойида Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган Осиё ўйинлари олдидан юртимиз терма жамоаси учун муҳим синов вазифасини ўтайди.

Жаҳон чемпионати сари

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари якунланди.

Қизиқарли кечган беллашувларда мамлакатимизнинг энг кучли гимнастикачилари — Антон Фокин ва Луиза Галиулина ғолиблик шоҳсупасини эгаллашди.

Жаҳон чемпионати ва Пекин Олимпиадаси совриндори Антон Фокин учун пойтахтимиздаги мусобақа шу ойда Лондонда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади. У энг юқори кўрсаткич билан муваффақиятга эришди. Қолган совринли ўринлар Эдуард Шаулов ва Отабек Машариповга насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда эса Луиза Галиулинага тенг келадигани топилмади. Ундан кейинги ўринлар Диана Каримжонова ва Алина Козичга насиб этди.

Маҳсулот сертификатланган
INTEGRAL ASIA
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги расмий дистрибьютор
DELL
... чўнтак компьютерларидан серверларгача

3 йиллик тўлиқ кафолат
Ишончни таъминловчи технологиялар
Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс: 120-30-26.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИ

2009 йил 19 октябрга қадар қуйидаги ахборотлаштириш воситаларини харид қилиш бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

иш станцияси (операцион тизим талаб қилинмайди), иш станцияси, LCD-монитор, ноутбук (ўхшаш техник хусусиятларга эга HP Compaq, Siemens, DELL, Aser), лазерли принтер, А0 форматга эга кенг форматли принтер, сканер, мультимедиа проектори, уч оёқли экран, коммутатор, APC ёки MGE русумли электр таъминоти узлуксиз манбаи, APC ёки MGE русумли электр кучланиш фильтри, А3 форматли нусха кўчириш аппарати.

Тендерга оид ҳужжатларни олиш учун қуйида келтирилган ҳисоб рақамларига белгиланган миқдорда пул ўтказилиши талаб этилади:

- мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган маҳсулот етказувчилар учун — 200 АҚШ доллари миқдорида миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов кунида белгиланган курс бўйича, ҳ/р: 20210000903962263002, АИТБ «Ипак йўли», Тошкент шаҳри, МФО: 00444, СТИР: 202692074, ОКОНХ: 80100;
- хорижий маҳсулот етказувчилар учун — 200 АҚШ доллари миқдорида валюта ҳисоб рақамига: 21506840040448017002, ЦБ РУ корр. счет № 0001-1-388345 JP MORGAN CHASE BANK NEW YORK, USA; SWIFT CODE CHASUS 33.

Тендерга оид таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 19 октябрь куни соат 16.00 гача. Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 269-85-77, 269-88-02, 269-88-27.

Тендерга оид таклифларни ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 100-уй, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатномаларни расмийлаштириш бюроси.

CSP ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru

ПРОДАЕТСЯ:
ОФИС и СКЛАДСКИЕ ПОМЕЩЕНИЯ
ДВУХЭТАЖНЫЙ ОФИС С ПОДВАЛОМ
общей полезной площадью 1721 кв. метров,

расположенные по адресу: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Бакинская, 179а.
АКИБ "Ипотекабанк"
Тел.: +99897 795-28-82, 8371 232-22-03.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.40
12345